Шайх Нажмиддин Кўбро ҳақида эса китобдан қуйидагилари билиб оламиз. У Чингизхон Урганчни қамал қилган вақтда кексайиб қолган бўлишига қарамай, халқ лашкарини йиғиб, душманга қарши жанг қилган. Шу жангда мардларча ҳалок бўлган, ўлганда ҳам байроқ дастасини қўлдан чиқармаган. Навоийнинг айтишича, кейинчалик Румий шу ҳақда рубоий ёзиб, биз ўлганда ҳам ўз эътиқодида собит қоладиганлар наслиданмиз, деб фахрланган экан...

Бир сўз билан айтганда, «Насоимул муҳаббат»да ўтмишдаги машҳур азиз-авлиёлар, алломалар, тарихий шахсларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, уларнинг ажойиб инсоний фазилатлари, эркеёварлиги улуғланади, ўгит ва насиҳатлари баён этилади. Асарда талқин этилган ахлоқ-одоб қоидалари ёшлар тарбиясида, уларнинг маънавий дунёсини бойитишда бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эга.

Шунисқ қувончлики, куни кеча навоийшунос олимларимиз улуғ мутафаккир таваллудининг 560 йиллигига муносиб туҳфа ҳозирлади. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида тайёрланаётган Алишер Навоий мукаммал асарлари тўпламининг ўн еттинчи жилди «Фан» нашриёти томонидан чоп этилди. Уттиз беш босма тобоқдан иборат китобдан буюк сўз санъаткорининг ноёб насрий асари — «Насоимул муҳаббат» ҳам ўрин олган.

Еқуб ИБРОҲИМОВ,
(ЎзА).

Бугун Навоий шаҳрининг тароватн, шукуҳи ўзгача. Шаҳарнинг қоқ марказида бир юз эллик етти гектарлик улкан боғ барпо этилмоқда. Ўзбек адабий тилининг шаклланишига, шу билан бирга жаҳон бадиий тафаккур хазинасига беқиёс ҳисса қўшган буюк шоиримиз номи билан аталувчи боғ унинг шаъни ва шавкатига муносиб эҳтиром рамзига айланмоқда.

Навоий шаҳри шўролар замонида қурила бошлаган эди. Аммо бу ерда шу пайтга қадар улуғ мутафаккир хотирасига атаб боғ тугул оддийроқ хиёбон ҳам барпо этилмагани мустабидлик сиёсатининг асл моҳиятини кўрсатади. Тарихий адолат тикланиши учун, ҳатто Мир Алишердек улуғ зот ҳам юрт озодлигига муҳтож бўлиб турган экан!

Мамлакатимиз раҳбари ҳар сафар Навоий шаҳрига келганида бу ерда улуғ бобокалонимиз руҳини шод этадиган ёдгорлик йўқлигини куюниб гапирар эди. 1999 йил декабрда Президентлик сайлови олдидан Навоий вилояти сайловчилари билан учрашувда Юртбошимиз масалани кўндаланг қўйди: «...вилоят марказида Алишер Навоий ҳазратларининг гўзал бир боғи яратилиб, зиёратгоҳга айлантирилса, шу жойда улуғ шоиримизнинг муаззам ҳайкали кўнгилларимизга фахр ва ғурур бағишлаб турса, айни муддао бўларди».

Шундан кейин шаҳарда халқнинг кўп йиллик орзусини амалга ошириш йўлидаги улкан ишлар бошланиб кетди. Шаҳарни Алишер Навоийнинг 560 йиллик тўйига муносиб ҳозирлаш режаси ишлаб чиқилди. Барпо этилажак боғнинг жойи танланди. лойиҳаси яратилди. Зудлик билан қурилиш ишлари ҳам бошланди.

Орадан олти ой ўтар-ўтмас — 28 июнь куни ўрнатилажак муаззам ҳайкалнинг пойдевори қурилиши бошланди. Шу куни Салимгерей Алибеков бошчилигидаги 4-қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари қурбонликка қўчқор сўйиб, қон чиқарди. Бобокалонимизнинг руҳлари шод бўлсин, дея дуога қўл очди.

— Буюк бобомизнинг номи билан аталган шундай азим шаҳар бунёд этилса-ю, унинг ҳайкали ўрнатилмаса? Бунга кўпчилигимиз ҳайрон бўлардик,— дейди Навоий қурилиш бирлашмаси раҳбари Жамил Нуралиев.— Шундай шарафли ишга ҳиссам қўшилаётганидан бошим осмонда. Қурувчига иш бўлса, чўмичи мой ичида. Навоий бобомизнинг шарофати билан ишларимиз яна юришиб кетди. Ахир, ҳазилми, ҳайкал ўрнатилажак боғ қурилишида жамоамиз ҳозиргача бир миллиард икки юз миллион сўмлик иш бажарди. Июль ойининг охиригача яна шунча иш бажарамиз.

Боғнинг шакли шамойили аллақачон кўзга кўриниб қолди. Бир ёнда ҳазратнинг улуғвор ҳайкали қад ростлаб туради, унинг пойида турли томошалар, байрам сайллари, концертлар ўтказиладиган очиқ амфитеатр қурилмоқда. Ҳайкалнинг тўрт тарафида кичик ҳовузлар, уларнинг ўртасидаги мўъжаз оролчаларда эса инсон ҳаётимнг мазмун-моҳиятини англатиб турувчи тўртта композиция барпо этилади. Биринчи композиция ҳаётнинг пайдо бўлишини акс эттирса, иккинчиси ҳаётнинг давомийлигини англатади. Етуклик ва Донишмандлик деб номланган композициялар эса боғнинг Навоий ҳайкали билан боғлиқ қисмини фалсафий жиҳатдан якунлайди.

Боғнинг иккинчи томонида зилол сув тўла кўл чайқалади. Унинг соҳилларида турли дам олиш масканлари, чойхона ва ресторанлар, мўзқаймоқ дўконлари, болалар майдончалари, боринги, улкан боғни сайр қилувчилар толиқиб қолмасин учун саноат ҳамда велосипедни ижарага берадиган дўконгача мавжуд бўлади. Ўнлаб спорт тури билан шуғулланиш мумкин бўлган «Алпомиш» спорт саройи эса ҳозирданоқ ишлаб турибди.

Боғ ўртасига экилган ўн олти минг туп мевали ва манзарали дарахтлар кўчати ҳозирдан ўрмон каби шовуллайди. Уларни оралатиб нақшинкор плиталар терилган йўлкалар ўтказилмоқда. Хиёбонлар бўйлаб минг тусда товланадиган фавворалар кўкка нафақат кумуш сув, балки тунлари ёруғлик ҳам улашади.

— Боғдаги қурилишлар асосан мамлакат бюджетидан маблағ билан таъминланмоқда,— дейди шаҳар ҳокими Бахтиёр Ҳамдамов. — Шаҳримиздаги саноат корхоналари ҳам боғ қурилишида катта ёрдам бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Цемент заводи ҳомий сифатида беш минг тонна цемент ажратди. Навоий кон-металлургия комбинати фавворалар ва йўлаклар қурилишини зиммасига олди. Бошқа корхоналар ҳам қараб турганн йўқ. Ким маблағдан, ким техника ёки ишчи кучидан ёрдам кўрсатмоқда. Савдо ва маиший бинолар қурилишини эса тадбиркорлар ўз зиммасига олаётир.

Журналистлар кўпинча айрим шаҳарларга нисбат бериб айтадиган «қадим ва навқирон шаҳар» ибораси Навоий шаҳрига жуда мос келади. Қурилаётган Навоий боғи ва ҳайкали мажмуининг яна бир мажозий маъноси ҳам шунга ишора этиб турибди.

Маълумки, Навоий шаҳри қадим тарихга эга бўлган Кармана шаҳрининг ёнгинасида жойлашган. Икки шаҳарнинг ораси икки юз метр ҳам келмайди. 1999 йил 27 майда мамлакатимиз Президентининг «Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармон эълон қилинганидан сўнг бу қадим масканда ҳам ободончилик ишлари авж олдириб юборилди. Қадим Кармананинг навқирон Навоий билан меъморий жиҳатдан бир шаҳарга бирлашуви эса айнан Навоий боғи ва ҳайкали шарофати билан юз бермоқда. Мажмуа қурилиши ниҳоясига етиб, Навоийдан чиққан кўчалар Кармана билан туташтирилгач, ягона ва бир бутун шаҳар пайдо бўлади.

Вир замонлар Самарқанд билан Бухоро ўртасида, Чўли Маликдай саҳро остонасида барпо этилган ва Буюк Ипак йўлидан бораётган карвонлар тўхтаб, дам оладиган Кармана шаҳри гуллаб-яшнаган маскан бўлгани тўғрисидаги ривоятлар кўп. Шаҳарнинг стратегик аҳамиятини яхши тушунган Бухоро ҳукмдорларининг ёзлик қароргоҳи ҳам одатда шу ерда бўлар эди. Мирза Чорбоғ номи билан машҳур бўлган бу қароргоҳ харобалари ҳозиргача сақланиб қолган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Кармана ўрта асрларда, айниқса, гуллаб-яшнаган. Ўтказилган археологик тадқиқотлар ҳам шуни тасдиқлайди. Лекин яқин-яқингача ҳам Карманага келган меҳмонларнинг бунга ишониши қийин эди. Пастаккина лойсувоқ уйлар, қингир-қийшиқ кўчалар, ўйдим-чуқур йўллар бундай тасаввурни бузиб турарди. Лекин Ватанимиз эришган мустақиллик гўё Карманага янгича руҳ бахш этди. Навоий шаҳри таркибида Кармана туманининг ташкил этилиши бу ердаги улкан бунёдкорлик ишларига туртки бўлди.

Бир йил олдин Карманани қоқ иккига бўлиб турувчи Самарқанд—Бухоро йўлидан ўтган киши бугун бу жойни таниёлмай қолиши тайин. Кенг ва равон, четларида анвойи гуллар барқ уриб ётган йўл бўйлаб нафақат тезюрар машинада, балки пиёда юриш ҳам роҳат бағишлайди кишига.

Асосий кўча таъмирдан чиқиши билан бошқаларининг ҳам яроқсиз экани дарров кўзга ташланиб қолди. Энди эса деярли барча кўча таъмирланди, ободонлашди.

Ҳозир карманаликлар XVI асрда қурилган ва халқ орасида Соҳибкаромат номи билан машҳур бўлган сўфий аллома Қосим шайх ҳазратларининг хонақоҳи ва масжидини тиклаш билан банд. Бутун ҳаётини маърифат тарқатишга, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, инсонийлик туйғуларини камол топтиришга бағишлаган бу улуғ зот халқнинг юксак ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган.

Қосим шайх обидасини таъмирлаётган Бухоро ва Самарқанддан, Шаҳрисабздан келган моҳир усталар ёнида юзлаб карманалик ҳашарчилар ҳам ишламоқда. Давлатимиз мустақиллигининг ўн йиллик тўйигача бурунгисидан-да ҳашаматлироқ қиёфа касб этадиган бу муаззам обида чин маънода халқ иродаси билан қайта тикланмоқда.

— 2000 йили туман бюджети учун 232 миллион сўм субвенция олган эдик, — дейди Кармана тумани ҳокимининг ўринбосари Шавкат Туробов.— бу йил эса бюджетимиз тўла ўзўзини қоплаяпти. Ҳозирча бюджетда дефицит йўқ, аксинча, 50 миллион сўмга яқин профицит (бюджет тушумларининг чиқимларидан кўплиги) бор. Бу, туманда товар ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йил шу даврга нисбатан икки баробар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 195 фоиз ўсгани билан боғлиқ.

Албатта, бундай ўсиш, аввало, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳномолигида тадбиркорликка кенг йўл очилганининг самараси. Туман ҳокимлигининг ишни яхши ташкил этаётганини ҳам назардан қочирмаслик керак. Баъзан эришаётган натижаларимиз ўзимизни ҳам ҳаяжонга солади. Бир гурунгда шу гапни айтсам, қариялариимиз буларнинг ҳаммаси яхшиларнинг шарофати деди. Карманада не-не улуғ зотлар ўтган, ахир, уларнинг руҳи мадоддор бўлянти! Қолаверса, шаҳримизга Президентимизнинг назари тушди. Карманадаги бугунги ўзгаришлар Юртбошимизнинг юритаётган доно сиёсати шарофатидан.

— Навоий ҳамда Карманани бирлаштириб турган ҳазрат Навоий ҳайкалининг муаллифи таниқли ҳайкалтарош Анвар Раҳматуллаев,— дейди Навоий шаҳри ҳокими Бахтиёр Ҳамдамов. — Насиб этса, мустақиллигимизнинг ўн йиллиги байрами арафасида Навоий бобомиз озод ва ҳур авлодлари ҳузурига пешвоз чиқади!

М. НАМОЗ,
ЎзА мухбири.

● ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

ЯХШИЛАР ШАРОФАТИДАН ОБОД БЎЛАЁТГАН ЮРТ

● «АВЕСТО»НИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА

„АВЕСТО"ДА ВАТАН, ФАРЗАНД ВА ТАРБИЯ МУАММОСИ

Тарихдан биламизки, ўзбек халқининг маънавий мероси бой ва ранг-баранг. Унинг илдизлари қадим замонларга бориб тақалади. «Авесто» китоби бунга мисол. Жаҳон маънавияти ва маданияти. дини тарихида ўзига хос ўрин тутувчи бу асар яратилганлигининг 2700 йиллиги муносабати билан кўплаб мақола, рисолалар чоп этиляпти. Яқинда профессорлар Ҳ. Бобоев, С. Ҳасановларнинг «Авесто» — маънавиятимиз сарчашмаси» номли китоби (2001 й.) қўлимга тушиб қолди. Зўр иштиёқ билан уни ўқиб чиқдим. Муаллифлар асарнинг инсониятнинг маънавий равнақидаги ўрни, диний-фалсафий мазмуини ёритиш билан бирга ундаги ёшлар тарбиясига оид фикрлар тўғрисида ҳам сўз юритибди. Ёшлар муаммоси, тарбияси ҳақидаги қарашлар менда жуда катта қизиқиш уйғотди. Авестошунос олимларнинг эътироф қилишларига қараганда, «Авесто»— таълим-тарбия манбаи, тарбия ҳаёт таянчидир». Зардушт таълимотича, «Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало яхши хулқ-одобли бўлсин, ўқишни, сўнгра ёзишни билсин». Ушбу китобда тангрига қилинган илтижолар келтирилган: «Ахура-Мазда яратган яхшилик ғоясига, соғлом, ақл-ҳуши тетик фарзандларга, доно, турли тилларни биладиган ўғил-қизларга ... олқишлар бўлсин!» Мазкур илтижода, эътибор берган бўлсангиз, «турли тилларни биладиган ўғил-қизлар» олқишланмоқда. Мустақил юртимизнинг аксарият ёшлари каби менда ҳам турли тилларни, хусусан инглиз тилини билишга қизиқиш бор. Ҳозир Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги тайёрлов курсида сабоқ олмоқдаман ва университетнинг инглиз филологияси, балки халқаро журналистика факультетига ўқишга кириш ниятидаман.

Қизиғи шундаки, «Авесто»да диний-ахлоқий тарбиялаш билан бирга уларни жисмоний-ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор берилган. Замон талаби ва эҳтиёжи асосида ёшларга риёзиёт, фалакиёт, табобат ва бошқа фанларнинг ақлий, ахлоқий аҳамиятидан, илму ҳикматнинг тарбиявий қувватидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинган. Айниқса, ўғил болалар — йигитлар тарбияси ҳақидаги фикрлар диққатга сазовордир. Ўғил болалар ақлли, одобли, сахий, ростгўй бўлишлари билан бирга жисмонан соғлом, бақувват, забардаст бўлишлари керак, чунки улар жанговар ҳарбий ишга бурчлидирлар. «Авесто»да Ҳ. Бобоев ва С. Ҳасановларнинг ёзишича, йигитлар кураш тушиши, чавандоз бўлиши, мол боқа олиши, чорвани йиртқич ҳайвон ва қароқчилардан муҳофаза қила билиши, ҳарбий қурол-яроғ ишлатиш малакасига эга бўлиши, ўттиз икки хил(!) ҳарбий ҳунарни билиши кўрсатилади. Буларни ўқиб ҳалқимизнинг «Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз» деган доно мақолини эсладим. Мана шу нуқтаи назардан қараганда, биз — ҳозирги ёшлар доим ўқиб-ўрганиб етук, баркамол авлод бўлишга, бу ҳақда Юртбошимизнинг «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир» деган асарида айтилган фикрларга амал қилишимиз зарурдир. Чунки мустақил Ўзбекистонимизнинг ёшлар сиёсати шуни тақозо қилади. Бунда «Авесто»да қайд қилинганидек, биринчи галда жисмонан бақувват, ақлан соғлом бўлиб ўсиш, мустақил фикр юритиш лаёқатига эга бўлиш лозим. Иккинчидан ҳар бир ёш болалигидан ўз Ватанига меҳр, садоқат руҳида тарбияланиши керак. Бунинг учун биз ёшлар юртимиз тарихи ва унинг маънавий меросини чуқур билиб, миллатимизнинг равнақ топишига ўз ҳиссамизни қўшмоқлик ҳақида ўйлашимиз даркор. Шунда Ватанимиз гуллаб яшнайди, мустақиллигимиз мустаҳкамланади.

«Авесто»даги қиз болалар ва уларнинг тарбияси ҳақидаги фикрлар ҳам диққатга сазовордир: «Ўғил болаларга нисбатан қиз болалар илму дониш ўрганишга жиддийроқ киришсинлар. Чунки улар ўзлари туғилган хонадонда ота рўзғорини тартибга солиб, уйга зийнат бериб юрсалар, жуфти-ҳалоли уйига боргач, келажак насл (фарзандлар) тарбияси билан машғул бўлмоқлари, шунингдек, қизлар урчуқ билан чархда ип йигириш, мато тўқиш, либослар тикишни ҳам билишлари» лозим. Балоғат ёшига етган қизлар рўзғор юритишни ўрганиб, уй бекаси — «кадбону» бўладилар.

«Авесто»даги ёшлар тарбиясига оид бундан қариб 3 минг йил, яъни XXX аср илгари айтилган бу ажойиб фикрлар ҳозирги мустақиллик замонида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ҳозирги ҳар бир ёшнинг ўзи туғилиб, ўсиб-улғайган замини — мустақил Ўзбекистонга муносиб фарзанд бўлиб тарбияланишида «Авесто» китобининг тарбиявий аҳамияти борлигини эндиликда ҳеч ким инкор эта олмайди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ўтмишда ёшларни тарбиялаш жараёни ҳозиргидан тубдан фарқланувчи шароитда кечган. Биз нинг давримизда, Мустақиллик йилларида ёшларни ғоявий тарбиялаш устувор, уларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялаш асосий вазифа ҳисобланади.

Азизбек НАЗАРОВ,
Тошкент шаҳридаги 103-гимназия битирувчиси.

● ЗАЩИТНИК РОДИНЫ — ЗАЩИТНИК ПРИРОДЫ

ВОДА—ЭТО ЖИЗНЬ

Океаны и моря покрывают более 70% поверхности земного шара. Под озерами и реками находятся около 3% суши. 16 млн. кв. км суши покрывают ледники. Болота и заболоченные земли занимают 6 млн. кв. км. Все это создает впечатление о неисчерпаемых запасах воды на нашей планете. Однако на долю пресных вод приходится лишь 2% всех водных ресурсов, и большая часть их сосредоточена в ледниковых покровах Гренландии и Антарктиды. Эти воды пока еще недоступны для человека.

В наш век вода — промышленное сырье и весьма дорогое. Например, для получения 1 т чугуна требуется 300 куб. м, 1 т меди — 500 куб. м, 1 т резины и 1 т синтетического каучука — по 3500 куб. м, 1 т никеля — 4000 куб. м воды.

На Востоке говорят: «Вода—это жизнь».

В условиях нашего региона значение водных ресурсов приобретает особую важность. Так, значительным потребителем воды является сельское хозяйство и прежде всего орошаемое земледелие, на которое приходится до 90% от общего забора воды отраслью.

На промышленные и бытовые нужды расходуется также большое количество воды. Основная масса ее в промышленности используется для производства энергии и для охлаждения. Значительное количество воды в обрабатывающей промышленности используется на различные технологические процессы: растворение, смешивание, очищение.

Без воды земля была бы голым каменным шаром, лишенным почвы, атмосферы. Климат и погода на Земле во многом определяются наличием водных пространств. Вода — «маховое колесо климата и погоды».

Проблема водоснабжения становится одной из важнейших в жизни и дальнейшем развитии человечества. В развивающихся странах около 90% населения не обеспечено водопроводом и вынуждено использовать воду плохого качества. Хорошая пресная вода становится ходовым товаром. Так, например, Гонконг, население которого составляет около 4 млн. человек, получает воду по специальному трубопроводу из Китая. Хронический «водный голод» — одна из бед Токио. На привозной воде живет целая страна — Алжир.

Для питья пригодна вода, содержащая до 1 г солей на 1 л. Примерно такой же чистоты требуется вода для орошения. Большинство животных пьют воду более засоленную (до 6-7 г солей на 1 л).

Водоемы особенно сильно загрязняются сточными водами химических заводов. Опасны сточные воды целлюлозно-бумажной промышленности, засоряющие воду нерастворимыми веществами и волокнами. Сбросы ТЭЦ подогревают воду, что, в свою очередь, вызывает цветение воды и изменение ее запаха. Загрязняют воду во многих случаях и сбросы вод из коммунальных источников.

При сбросе 1 куб. м неочищенных сточных вод портится 40—60 куб. м природных чистых вод. Чтобы «очищенные» сточные воды стали пригодными для использования, требуется 7—14-кратное их разбавление. Существуют следующие способы очистки сточных вод: механические, химические, физико-химические, термические, биологические и комбинированные. Вот несколько практических советов для каждого военнослужащего:

— любой канал, река, арык — артерия, несущая жизнь всему живому, необходимо следить за ее чистотой;

— бережно относись к воде, не оставляй незакрытыми водопроводные краны, следи за исправностью системы водоснабжения;

— сточные воды должны попадать в канализацию, а если ее нет, то должны быть оборудованы специальные очистные сооружения — обычно это отстойники, которые должны своевременно очищаться;

— не допускать прилива химических веществ в почву. Так, например, помывка автотранспорта должна производиться только в специально отведенных местах, чтобы смытые нефтепродукты не попадали в землю, ведь с грунтовыми водами они могут попасть в реки, нанося огромный вред живой природе.

Беречь водные ресурсы нашей страны — долг каждого военнослужащего.

Капитан Ю. ТЕМНИКОВ.



Юртимизда қадимий шаҳарлар, обидалар кўп. Улар билан юзлашган ҳар бир сайёҳ ўзбекнинг бир неча минг йиллардан бери давом этиб келаётган шаҳарсозлик анъаналарига, беқиёс маданиятига дуч келади. Осмонлардан нуеха олган гумбазлар, гулу гулзорларнинг бари бир жойга жамлангандек нақшинкор безаклар, улкан найзадек кўкка қадалган миноралар миллатнинг бағри кенглигидан, кўнгли нозиклигидан, бобомерос шижоатидан унсиз ҳикоя қилади унга.

«ПОЛОН ОЙЛ»—ОТЛИЧНОЕ КАЧЕСТВО

Кашкадарьинское совместное предприятие «Полон ойл» было образовано в прошлом году накануне праздника независимости при сотрудничестве с польской фирмой «Полон Импекс».

На предприятии производится фасованное масло. Здесь есть возможность разливать масло в 3 тысячи полиэтиленовые емкости в час. В настоящее время работа организована в две смены, в каждую из них производится 24 тонны масла.

— Наша продукция нравится покупателям. Она качественная и экологически чистая,— говорит руководитель совместного предприятия Джура Рахматов.— В первом квартале текущего года наш доход составил 19 миллионов сумов. В будущем мы намечаем установить новую технологическую линию и отправлять в торговлю только рафинированное масло.

А. ТАИПАТОВ,
корр. ЎзА.

Экономика. Наука. Техника

В ВОЗДУХЕ, КАК ДОМА

Корпорация Лотт Гроуп построит в южнокорейском городе Пусан 107-этажный небоскреб. Высота небоскреба составит 464,5 метра, что сделает его самым высоким зданием в мире. Как заявил представитель корпорации, фундамент небоскреба будет заложен в декабре этого года, а все строительство будет завершено к ноябрю 2005.

МОБИЛЬНИК ДЛЯ МУЖЧИНЫ...

Современные мужчины, пытающиеся привлечь даму, чем-то сродни павлинам, куропаткам, оленям... Только в качестве приманки для женщины они используют не перья, рога и хвосты, а мобильные телефоны. К таким выводам пришли психологи из Ливерпульского университета, на протяжении четырех месяцев наблюдавшие в одном баре за посетителями-мужчин а м и. Если женщина, садясь за столик, практически всегда убирает телефон в сумочку, мужчина обязательно кладет его перед собой, совершая с ним впоследствии массу ненужных манипуляций: передвигает с места на место, засовывает в карман и вынимает обратно, чтобы проверить, не разрядились ли батарейки. Британские ученые не видят в таком поведении мужчины каких-то странностей: самец должен продемонстрировать самке всю свою значимость и респектабельность.

БЕГУНОВ ПОДГОНЯЮТ ГЕНЫ

Исследователи датского Института спорта, работавшие на протяжении 18 месяцев в Кении, подтвердили наличие у темнокожих атлетов из этой страны специфического гена. В частности, именно благодаря этому гену кенийские легкоатлеты обладают способностью бегать быстрее и дольше поддерживать высокий темп бега по сравнению с белыми спортсменами. Выступая по британскому телевидению, датские ученые отметили, что кенийцы отличаются от европейских бегунов более медленным ритмом сердечных сокращений. Объяснение этому феномену медики нашли в специфических условиях жизни на горном плато (2130 м над уровнем моря), способствующих, в частности, повышенной выработке в крови красных телец.

(По материалам печати).

МАТРИЦАЛИ ЛАБОРАТОРИЯЛАР ВА ВИРТУАЛ ДАРСЛИКЛАР

Тошкент Давлат техника университети мутахассислари электрон дарсликлар ёки мавжуд ўқув адабиётларининг виртуал шаклларини яратиш имкониятини берадиган янги технологияни ишлаб чиқди.

Бундай дарслик кўпгина афзалликларга эга. Виртуал дарслик фойдаланувчи билан мулоқотда бўлиши, унинг саволларига жавоб бериши, аудио ва видео имкониятлар ёрдамида ўрганилаётган фаннинг турли жиҳатларини намойиш этиши билан материални яхшироқ ўзлаштиришга хизмат қилади. Дарслик ёзилган компьютер дискининг нархи 1,5 минг сўмдан ошмайди.

Бугун мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида чоп этилаётган дарслик ва маърузалар муаллифлари учун махсус услубий қўлланма ҳам тайёрланган. У қисқа муддатда ўқув адабиётининг электрон шаклини яратиш ва бутун жараённи автоматлаштиришга ёрдам беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим тизимини амалий машғулотлар сонини оширишга йўналтиради. Бу олий ўқув юртларини замонавий ўқув ускуналари билан таъминлашни тақозо этади. Ўз навбатида бу катта харажатлар билан боғлиқ. Техника университетида яратилган яна бир янгилик — «Матлаб» дастурий мажмуи бу харажатларни камайтиришга ёрдам беради. У барча зарур лаборатория тадқиқотларини нафақат ускуналарсиз, балки ўрганилаётган материалсиз, фақат компьютер ёрдамида ўтказиш имконини яратади.

Университетда асосий техника фанлари бўйича матрицали лабораториялар ҳозирдаёқ фаолият кўрсатмоқда. Уларда нафақат талабалар, балки халқ хўжалигининг турли соҳалари мутахассислари қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими доирасида шуғулланишмоқда.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

● ВЫСТАВКИ

„Узбекистан—Родина моя“

В выставочном зале Центрального музея Вооруженных Сил открылась очередная выставка картин узбекистанских художников в рамках цикла «Узбекистан — Родина моя». Ее своеобразность в том, что авторами всех представленных работ являются очаровательные и красивые женщины-матери. И в рамках Года матери и ребенка их творчество звучит тем более актуально.

О том, насколько трудно было собрать в одном зале, в разгар лета, столько имен, известно, конечно, только устроителям этой выставки. К слову, ими же учтены и еще некоторые обстоятельства, позволившие увидеть не только разнообразие красок прекрасной нашей земли, но и целую палитру жанров, технику исполнения, да и просто само творчество художников.

Вот, к примеру, графика Гульзор Султановой. Здесь каждый с особой тщательностью прописанный элемент рисунка несет в себе настоящую философию, взгляд на современную нашу жизнь. Автор преподносит нам свое видение мира, свои чувства и переживания. Особенно это выражено в работе «Дервиш», которую Гульзор определила как автопортрет. Забавна и тонка по смыслу, с немалой долей юмора предстает перед зрителем «Кайфият». Казалось бы, чего проще — бумага, тушь, перо. Бери и твори. Ан нет! Сотвори такое, чтобы в душе осталось, чтобы какие-то самые потайные струнки души задеть. Потому, наверное, часами можно смотреть на серию работ «Марионетки». Думаю, повезло тем ребятам из республиканского центра детского творчества, для кого Г. Султанова является наставником. Наверняка, и они станут такими же талантливыми, чтобы потом, как и Гульзор Сотиволдиевна, знать, да и гордиться, конечно, что работы не только известны, но и находятся в частных коллекциях далеких от нас многотысячьем километров Германии, Франции, США.

Хорошо быть в картинных горах вместе с Викторией Трошиной. Она — «гид» — расскажет о них та-ко-е! Вот солнце поднимается над ними, запустив свои золотые лучи под самые дальние валуны, лежащие здесь с самых, пожалуй, незапамятных времен. Радуйтесь и наслаждайтесь здесь каждому шороху в пожухлой траве, наступающей вдруг тишине или несмолкаемому пению птиц и стрекоту кузнечиков. Хорошо здесь — вдали от шумного и суетливого города с его проблемами. Броситься бы вот так сразу в изумруды струящейся горной речки, шумящей своим потоком далеко окрест. Да вот подумаешь вначале: «Стоит ли?!». Вода-то ледяная, обжигающе холодна. Брр-р! Аж «мурашки» по коже. Но — была-не была...

А вот у Татьяны Ли свои горы. Они — гиганты. Нет, даже исполины. Высоки, надменны и величественны. В них столько силы! И красоты они самой что ни на есть описуемой, поскольку Татьянин взгляд и нас манит туда же, чтобы хоть на миг прочувствовать это величие родной земли, радоваться которому не перестаешь. Потому так ярко и эмоционально передает нам автор свое настроение в «Золотой Бричмулле», «В горах». Контрастна этим работа «Отражение чувств». Эта картина лирична. Ее голубые и синие тона словно подчеркивают прозрачность воздуха и безграничность бытия.

В разной технике исполнены выставленные гобелены, авторы которых Светлана Лисицкая и Ирина Бурмистрова. В работах Ирины яркие краски, веселое настроение, потому и предстают они удивительно теплыми. Очень самобытны гобелены Светланы, выполненные в национальном колорите. На создание каждого такого произведения уходит порою до трех месяцев. Ну а уж сколько души вкладывают «рукодельницы» в свои труды — остается только догадываться, восхищаясь увиденным.

Внимание юных посетителей выставки, конечно, привлекут работы Ферузы Башаровой. Они словно погружают нас в мир сказок, мир детства. Феруза работает художественным редактором в издательско-полиграфической акционерной компании «Шарк». Она оформила более 100 книг.

Первые посетители выставки — воины столичного гарнизона — уже отметили, что она удалась, тепло поприветствовав авторов работ, участвовавших в ее открытии. Было немало вопросов, добрых пожеланий и даже дискуссий. Словом, остались довольны все: и художники, которым каждая встреча со зрителями, и с военными в немалой степени, дорога и является своего рода подпиткой творческого настроения, и защитники Родины, которым общение с прекрасным прибавляет сил, побуждает еще больше любить свой благодатный край, мир и покой которого они оберегают.

Подполковник К. МИРГАЛАУТДИНОВ.

На снимках: **художник Татьяна Ли рассказывает воинам о своем творчестве; фоторепродукция фрагмента гобелена Светланы Лисицкой.**

Фото **К. ТУРАЕВА.**

Тест адолат мезони бўлиб қолаверади

Мамлакатимиз таълим соҳасидаги ижобий ўзгаришлардан бири, шубҳасиз, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига тест тизимининг жорий этилганидир. Ўқувчилар билимини аниқлашда бу усул адолат ва ҳалоллик мезони экани, нафақат юртимизда, ҳатто хорижда ҳам эътироф этилган. Ёз фасли абитуриентлар учун ҳар доимгидек ҳаяжонли кечади. Чунки айнан шу дамларда катта ҳаёт бўсағасида турган йигит-қизлар ўз билимини катта синовдан ўтказади. Шу кунларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида иш ҳар қачонгидан ҳам қизғин. Эътиборга молик жиҳати, бу ерда ишлаб чиқилган кўп вариантли тест тизими АҚШ, Буюк Британия, Туркия каби давлатларда юксак баҳоланмоқда. Мақсад ягона — олий ўқув юртига киришдаги тест синовларини самарали ва тўғри ташкил этиш. ЎзА мухбирининг Давлат тест маркази раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Муҳсинжон МУҲИДДИНОВ билан суҳбати шу ҳақда бўлди.

— Муҳсин Мўминович, бу йилги тест синовларида қандай ўзгаришлар, янгиликлар бўлиши кутилмоқда?

— Бу йил биринчи марта абитуриентлар учун қулайлик яратиш ниятида марказ томонидан «Маълумотнома» нашр этдик. Ў олий ўқув юртига қабул қоидаси ва тартиблари, тест синовлари чоғида абитуриентларга қўйиладиган талаблар, шунингдек, Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари, уларнинг манзиллари, мутахассисликлар, грант ва шартнома асосида қабул режалари, абитуриентларнинг грант ва шартнома бўйича таълим йўналишларига мувофиқ ўтиш баллари ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлаган. «Маълумотнома», шунингдек, йигит-қизларнинг тест лайтида саволлар китобчаси билан ишлашда ва жавоблар варақасини тўлдиришда техник хатоларга йўл қўймаслик мақсадини ҳам кўзлайди. Ишонаманки, ушбу маълумотноманинг чоп этилиши абитуриентларга ўз қобилияти, тайёргарлик даражаси ҳамда муайян фанга қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда касб танлашга тўғри ёндошиш ва тестларга самарали тайёрлашда катта ёрдам беради.

Бу йил барча вилоятларда ва Тошкент шаҳрида бирламчи — репетиция тестлари ўтказдик. Натижада ёшлар ўз билим ва қобилиятларини текшириб олиш имконига эга бўлди. Шу билан бирга масофадан туриб компьютер орқали марказимизга боғланган ҳолда пойтахтимиз, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Хоразм, Фарғона, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Андижон вилоятларида тажриба сифатида тест синовлари ўтказилди. Тестнинг келажаги саналмиш ушбу тизим жойларнинг ўзида абитуриентлар билимини текшириш ва натижасини бир неча дақиқада аниқлашга имкон беради.

Бу йил саволлар жамғармаси кўпайиб, 120 мингдан ошди. Марказимиз томонидан «Ахборотнома»нинг 12 та сони нашрдан чиқарилди. 1996 йилдан 2001 йилгача бўлган даврда тайёрланган саволлар ўзгартирилди. Саволларнинг асосий қисми қайтадан ишланди ва янги саволлар киритилди.

Бу йил сиртқи ва кундузги бўлимларга қабул учун тест синовлари бир кунда, яъни 1 августда бошланади. Янгиликлардан яна бири жорий йилда аудитория раҳбарлари, қабул комиссиясининг масъул котиблари, кузатувчилар, вакилларни тест технологиясига ўқитиш ва ўргатиш аввалгидан анча илгари бошланди. Уларнинг абитуриентлар синови пайтидаги фаолиятини кўнгилдагидек ташкил этиш мақсадида тест саволлари тўздик. Демоқчиманки, тест олувчиларнинг ўзи ҳам тестдан ўтади. Мақсадимиз абитуриентлар синов пайтида арзимас бўлса-да, техник хатоларга йўл қўйишларининг олдини олиш.

Тест синовини барча олий ўқув юртларида адолатли ўтказишда қабул комиссияларининг раислари — ректорлар, жойлардаги ҳокимлик вакилларининг масъулияти оширилмоқда. Чунки тест синовлари минглаб аудиторияларда бўлиб ўтади. Демакки, назорат, масъулият ҳам юқори даражада бўлиши керак.

— Тест мунтазам равишда такомиллашиб борадиган жараёндир. Бу йил ўқишга кириш орзусидаги йигит-қизлар қўпроқ нималарга эътибор беришлари керак, деб ўйлайсиз?

— Тест технологиясининг мунтазам такомиллашиб бориши ёшларни кўпроқ ўқишга, изланишга, ўз устида тинимсиз ишлашга ундайди. Абитуриентлар кўпроқ мустақил фикрлаб, тестга ижодий ёндошишларини истардим. Энг асосийси, ёшлар бировларга эмас, фақат ўз билимларига ишонишлари керак. Тест орқали мўмай пул топиш истагида бўладиган айрим фирибгарларга ишониб, чув тушган абитуриентлар ҳам йўқ эмас. Тест жараёнининг қанчалик холис ва адолатли кечиши, ножўя хатти-ҳаракатларни бартараф этиш аудиториядаги ёшларимизга ҳам боғлиқдир.

— Вазирлар Маҳкамасининг «2001—2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорида тегишли таълим тури бўйича камида уч йил стажга эга бўлган педагогик кадрларни давлат грантлари асосида тест синови орқали қабул қилиш ва бакалавриатда ўқитиш учун махсус сиртқи бўлимлар очиш ҳақида гап боради. Ана шу жараённинг тартиби ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Бугунги кунда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, мамлакатимизда жаҳон андозалари даражасидаги кўплаб академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари барпо этилиб, энг замонавий компьютер техникаси ва ўқув жиҳозлари билан таъминланмоқда. Ушбу таълим масканлари учун умумтаълим фанлар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Ўз навбатида, шу даргоҳларда фарзандларимизга билим берувчи ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам шиддатли замон, ислоҳотлар жараёни талабларига жавоб беришлари зарур-ку. Қарорда айнан мана шу жиҳат эътиборга олиниб, тажрибали, ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаб, ҳозирда касб-ҳунар коллежларида дарс бераётган кадрларнинг малака оширишига кенг имкониятлар очиб берилган. Энди уларнинг қарорда номлари зикр этилган олий ўқув юртларида таҳсил олиб, ўз ихтисосликлари бўйича маҳоратларини янада юксалтиришига имкон яратилди.

Қабул Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби бўйича давлат комиссияси томонидан тест синовлари натижаларига кўра рейтинг тизими бўйича амалга оширилади. Тест синовлари уч тилда — ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида ўтади. Танлов ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича таълим йўналишлари, ўқитиш тилларига кўра алоҳида ўтказилади. Имтиҳонлар олий ўқув юртлари бакалавриат тайёрлаш бўйича қабул низомида кўрсатилган тест усуллари асосида ташкил этилади.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан таълим тизимига киритилган тест синовлари, мана саккиз йилдирки, ўқув юртларига иқтидорли ёшларни танлаб олишда, ижтимоий адолатни таъминлаш борасида халқимизнинг ишончини қозониб келмоқда.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

ИЛМГА ЧАНҚОҚ ЁШЛАР

Айни кунларда мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларига абитуриентлардан тушган аризаларни қабул қилиш қизғин давом этмоқда. Режага кўра бу йил юртимиздаги олий ўқув юртларига 49 минг 500 талаба қабул қилинади. Шундан 46 минг 68 таси кундузги бўлимда таълим олади.

Ўтган йилнинг шу даврига мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига абитуриентлардан 77 минг 927 ариза тушган бўлса, бу йил уларнинг сони шу кунгача 115 мингдан ошиб кетди. Қабул муддати якунлангунга қадар аризалар сони янада кўпаяди. Бу эса ёшларимизда илм олишга бўлган иштиёқ йилдан-йилга ошаётганини кўрсатади.

Мамлакатимизнинг энг нуфузли ўқув даргоҳларидан бири Ўзбекистон Миллий университети режа бўйича янги ўқув йилида 1 минг 676 абитуриентни талабалар сафига қабул қилади. Бугунгача мазкур муассасага 3 минг 223 абитуриентдан ариза тушди.

— Тест синовларини кўнгилдагидек ўтказиш ва абитуриентларга қулайлик яратиш мақсадида 9000 кишилик ўрин тайёрлаб қўйдик, — дейди университет қабул комиссияси масъул котиби А. Ваҳобов. — Ҳозирча абитуриентларнинг ҳуқуқ, журналистика, иқтисодиёт каби соҳаларга қизиқиши катта эканига гувоҳ бўляпмиз. Мазкур факультетларда битта ўринга бир неча номзод тўғри келади, яъни танлов ниҳоятда қаттиқ бўлиши кутиляпти. Уларнинг энг билимдонлари университетимиз талабасига айланишига шубҳа йўқ.

Айни пайтда ЎзМУдаги ҳолатни мамлакатимизнинг бошқа олий ўқув юртларида ҳам кўриш мумкин. Бу эса мустақиллигимизнинг ўнинчи йилида мактабни битирган йигит-қизларнинг илмга чанқоқлиги, билими эса нисбатан баландлигидан далолат. Негаки улар мактабда ўн йил истиқлол ҳавосидан нафас олган биринчи битирувчилардир!

(ЎзА).

Интерес школьников Египта

«Узбекистан: вчера, сегодня и завтра» — под таким названием в одной из крупнейших публичных библиотек Канра, носящей имя Сузан Мубарак — супруги президента Египта Хосни Мубарака, состоялся ознакомительный вечер, посвященный 10-й годовщине независимости нашей республики.

В этом мероприятии, прошедшем под девизом «Великая история — залог великого будущего», организованном Посольством Республики Узбекистан и АРЕ, приняли участие известный египетский ученый-востоковед, соотечественник Насрулло Мубашшир аль-Таразии, узбекистанские студенты, обучающиеся в вузах Египта.

Собравшихся на встречу египетских школьников познакомили с историей и современной жизнью Узбекистана, с успехами, достигнутыми за годы независимости в политической, экономической, социальной, культурной сферах, путями его интеграции в мировое сообщество и перспективами развития.

После этого состоялся живой обмен мнениями, в ходе которого молодые египтяне получили подробные ответы на все интересующие их вопросы. Были затронуты практически все стороны жизни нашего государства от участия Узбекистана в различных международных организациях до проблемы Аральского моря и детских увлечений. Так велик был интерес к нашей стране.

Внимание школьников привлекла выставка произведений декоративно-прикладного искусства, книг, рассказывающих об Узбекистане и фотоэкспозиция памятников архитектуры древних городов—Самарканда, Бухары, Хивы и Ташкента.

Наряду с этим дети смогли совершить путешествие по Узбекистану, просмотрев видеофильм. И как самый дорогой подарок на память о вечере, проведенном с нашими египетскими друзьями, останутся у его участников фотоснимки, запечатлевшие так много счастливых лиц.

Б. ИРИСОВ, собкор ИА «Жахон»; Каир.

Турфа олам

6 ЕШЛИ ЖАҲОН РЕКОРДЧИСИ

Хитойлик олти ёшли Чжая Чухан исмли қизалоқ мусиқий асарларни ёддан ижро этиш бўйича жаҳон рекордини ўрнатди. У 57 дақиқа давомида донги кетган бастакорларнинг 32 куйини пианинода тўхтатмасдан ижро этди. Ҳали боғча тарбияланувчиси ҳисобланмиш бу қизалоқда мусиқага қизиқиш етти ойлигида уйғонган. У ўша вақтда отасининг қўшиқларини бошини қимирлатганча мароқ билан тингларкан. Пианино чалишни эса тўрт ёшида ўрганган.

БАКТЕРИЯМ НЕ МЕСТО В ЯПОНИИ

Японцы, как ни одна нация в мире, страдают манией чистоты. Страна восходящего солнца выпускает 50% различных антибактериальных товаров — от постельного белья, штор, подушек, предметов личной гигиены до кухонных причиндалов. Так, например, в любом супермаркете можно купить обеззараженную разделочную доску, продезинфицированную одноразовую посуду. В любом офисе есть компьютерные «мышки», которые сделаны из особого антисептического материала. Телефоны на рабочих столах в конторах дважды в день обрызгивают особым антибактериальным спреем. Представители сферы обслуживания, например, стюардессы, таксисты и продавцы, обязаны во время работы носить перчатки. При такой суровой методичной борьбе у бактерий, похоже, не остается ни малейшего шанса на существование.

ОЛИМЛАР БАШОРАТИ

Аргентина пойтахти иқтисодиёт жиҳатдан дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакат олимлари агар чиқиндиларни чиқаришни камайтириш ва тозалаш борасида аниқ стратегия ишлаб чиқилмаса, Буэнос-Айрес яқин 10 йил ичида ташландиқлар остида қолиб кетишини башорат қилмоқда.

(Матбуот материаллари асосида тайёрланди).

● ЛЕТНИЕ КАНИКУЛЫ

ЗДОРОВЫЙ ОТДЫХ — НА ЛОНЕ ПРИРОДЫ

Более семидесяти воспитанников Дома милосердия № 29 города Джизака проводят летние каникулы в зоне отдыха «Лочин» Зааминского района.

— В нашем стоместном санатории-профилактории в этом году в шесть смен отдохнут 600 учащихся, — говорит начальник зоны отдыха Мусохон Имомов. — В основном мы принимаем учащихся джизакских городских школ, которым необходимо лечение. Здесь они отдыхают, а также принимают необходимые процедуры.

В совместном решении областного хокимията и совета профессиональных союзов области о проведении летних каникул учащихся школ в Год матери и ребенка предусмотрены отдых и оздоровление в таких зонах 7 тысяч 600 учащихся. К нынешнему времени на лоне прекрасной природы уже отдохнули и укрепили свое здоровье почти 5 тысяч детей.

Ю. ДЖУРА, корр. УзА.

ВАРЕНЬЕ ИЗ ОРЕХОВ

В медицине издревле широко использовали варенье из орехов. Теперь в акционерном обществе «Саховат» Сарыасийского района наладили производство лечебного орехового варенья. Сейчас в продажу поступило 4 тысячи 500 банок с этим вкусным целебным продуктом. В будущем планируется увеличение его производства.

Ч. ТУХТАЕВ, корр. УзА.

● КАРАТЭ-ДО

НА ТАТАМИ—РОВЕСНИКИ НЕЗАВИСИМОСТИ

120 юных каратистов и каратисток из восьми вилоятов нашей страны и города Ташкента приняли участие в соревнованиях на призы редакции газет «Халк сузи» и «Народное слово», организованных Национальной Федерацией каратэ-до и спорткомитетом Министерства обороны.

В минувшее воскресенье трибуны демонстрационного зала Центрального спорткомплекса МХСК Министерства обороны были переполнены до отказа любителями спорта. Здесь и проходил турнир по каратэ-до (стиль шотокан) среди мальчиков и девочек 1991 года рождения.

Не будет преувеличением, если сказать, — данный турнир превратился в настоящий спортивный праздник. Этому особый оттенок придавали показательные выступления, подготовленные представителями каждого вилоята. Соревнования проходили в командном и личном ката (то есть сюда входит демонстрация базовой техники, или ведение формального боя с одним или несколькими противниками. — Авт.) и кумитэ (спарринговый бой).

Конечно, юным атлетам еще не хватало спортивного мастерства, но желания победить, азарта ведения поединков им было не занимать.

В ката и кумитэ среди команд-участниц лучшими оказались «Каратэ-2», федерация каратэ-до Ташкента и «Каратэ-1». Затем на татами вышли девочки. Отличную технику в выполнении ката продемонстрировала Ширин Абдухакимова из профессионального центра развития каратэ-до. Ей не было равных и в кумитэ. Она все поединки выигрывала уверенно и красиво. Заслуженно Ширин дважды поднималась на высшую ступень пьедестала почета. Вторым и третьим призерами в ката стали Шахноза Мирсоатова и Гулноза Хамидова, а в кумитэ — Дильноза Одилова и Сабина Ниязова.

Среди мальчиков в демонстрации базовой техники отличный результат показал Суннат Абдувахидов. Он и завоевал первое место. На вторую ступень пьедестала поднялся Аббосхон Хусанханов и третье призовое место завоевал Нодир Ахмедов.

Все зрители с интересом ожидали, когда на поединки выйдут юные бойцы. Кстати, соревнования у подростков в кумитэ проходили в двух весовых категориях до 30 кг и свыше 30 кг. Для того, чтобы выйти в финал, спортсменам необходимо было выиграть до 6 боев. Поэтому от юных атлетов требовались демонстрация не только физических качеств, техники, спецподготовки, выносливости, но и волевых качеств. Со всеми этими задачами в весовой категории до 30 кг вполне справился Суннат Абдувахидов, который и завоевал первое место. Второму призеру Шерзоду Абдухакимову чуть-чуть не хватило именно силы воли. Потому пришлось уступить лишь одно «вазари». Бронзовым призером в этом весе оказался Вячеслав Ли.

Аббосхон Хусанханов (свыше 30 кг), ставший серебряным призером в ката, проявил-таки настоящий бойцовский и спортивный характер. В кумитэ он все поединки выиграл уверенно и стал победителем турнира. Второе и третье места, соответственно, завоевали Сардор Ширинбоев и Кобилжон Маликов.

Ценные призы — велосипеды, спортивную форму, книги, учрежденные газетами «Халк сузи» и «Народное слово», достались победителям и призерам.

Все гости, судьи, зрители и участники турнира отметили высокую организацию соревнований.

З. ХАИРИТДИНОВ.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ЭНИГА: 1. Ишлаб чиқаришда фойда келтириш кўрсаткичи мажмуи. 12. Пазандалик анжоми. 15. Ўзбекистондаги вилоят маркази. 16. Нил дарёси бўйидаги шаҳар. 17. Ов қилинган нарса, ўлжанинг китобий атамаси. 20. Мурғоб дарёси ва Қорақум бўйидаги шаҳар. 22. Бозорларда турдош маҳсулотлар савдоси қатори. 23. «Меҳробдан чаён» романи қаҳрамони. 24. Махсус из қолдирувчи ўқ ёки снаряднинг ҳавода қолдирадиган ялтироқ тутинсимон изи. 31. Беруний мукофоти номзоди, ўзбек математик олими.

БУЙИГА: 3. Капитал, мулк ёки ердан унинг эгаси олиб турадиган доимий даромад. 4. АҚШнинг шимолидаги дарёга номдош штат. 6. Эманлар оиласига мансуб шершох дарахт. 7. Оғир саноат тармоғи. 12. Ҳаёт-мамот масаласи, тақдир. 13. Финляндияда бир палатадан иборат қонун чиқарувчи орган, парламент. 14. Фарзанднинг фарзанди бобога нисбатан. 18. Ўқув машғулоти. 25. Тараққиёт, юксалиш. 26. Ўқимишлилик, билим.

ЁЙЛАР БУЙИЧА: 2. Ғалла экини. 5. Тикув асбоби. 8. Мусиқали саҳна асари. 9. Инерт газ. 10. Нидерландиядаги шаҳар, ҳукумат қароргоҳи. 11. XVIII аср тўртинчи чораги XIX аср бошларида яшаб ижод этган инглиз реалист адиби. 19. Миллий таом. 21. Европача рақс. 27. Саноқ сон, жуфт рақам. 28. Мақсадга эришиш йўлидаги қатъият, матонат. 29. Олис масофадан ҳабарлашиш. 30. Ёзув қоидалари мажмуи.

Ф. ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 81-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 5. Комендант. 8. Чуррак. 9. Изотоп. 12. Погон. 13. Диван. 14. Иқрор. 17. Силикат. 18 Скандий. 19. Коломбо. 21. Косинус. 25. Кошин. 26. Роҳат. 27. «Ўтрор». 30. Кажава. 31. Ангара. 32. «Лендровер».

БУЙИГА 1. Доира. 2. Реакция. 3. Адмирал. 4. Ангор. 6. Чумоли. 7. Қопқон. 10. Конибодом. 11. Ҳожимуқон. 15. Шанба. 16. Укроп. 20. Оқибат. 22. Ихтиро. 23. Команда. 24. Кашалот. 28. Катет. 29. Игрек.

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д.Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48, социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82; отделы подписки — 56-03-48; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-69-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.
Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.
Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.
Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».
Заказ № 0327.